



ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ИЖТИМОЙ- МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ДИНАМИКАСИ

Думарова Гулфира Козимбековна

Роман-герман, славян тиллари факультети, Андижон давлат
чет тиллари институти, Андижон, Ўзбекистон.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10116072>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 9-noyabr 2023 yil

Ma'qullandi: 11-noyabr 2023 yil

Nashr qilindi: 12-noyabr 2023 yil

KEYWORDS

оила, педагогика, ижтимоийлашув,
ижтимоийлашув жараёнлари,
маданият, маънавият, глобаллашув

ABSTRACT

Ушбу мақолада замонавий ўзбек оилалари ижтимоий-маданий жараёнлари динамикасини ўрганишнинг педагогик жиҳатларига тўхталиниб, маънавий яратувчанликни жараён сифатида сақлаб, ташқи омилларнинг салбий таъсиридан ҳимоясини таъминлаш бугунги кунда долзарблиги тўғрисида фикр юритилган

Ижтимоий динамика тушунчаси ўзида жамият ҳаётининг барча соҳасидаги кўзга кўринган ютуқларини инъикос этади. Бунда асосий эътибор ижтимоий ўзгаришларга қаратилган бўлади. Ўзгаришларнинг йўналиши ва қамрови ҳамда мазмундорлиги, яъни сон ва сифат ўзгаришига эътибор қаратилади¹. Ижтимоий фалсафа, социология, ижтимоий психология каби фан тармоғига доир илмий манбаларнинг қиёсий таҳлили шундан далолат бермоқдаки, ижтимоий динамиканинг циклли, чизиқли ва спиралсимон турлари мавжуд. Жамият ҳаётида ижтимоий динамиканинг циклли жараёнлари кенг тарқалган бўлиб, улар тасодифий ёки қисқа муддатли жараёнлар билан боғлиқ эмас. Чунки уларнинг мантиғи ва намоён бўлиш ёки ифодаланиш шакли мавжуд. Бу жараёнда белгиланган “чизиқдан оғиш” ҳолатлари ҳам кузатилиб, соф прогрессив мазмун касб этади. Назарий жиҳатдан циклли ўзгаришларни тизимли-функционал ва тарихий каби синфларга ажратиш мумкин. Биринчиси, жамият ҳаётидаги ўзгаришларни фақатгина битта сифат кўрсаткичи асосида тавсифлаб, сўнги натижа тарзида шунга ўхшаш – аналогли ўзгаришлар кўрсатилади. Бунда ўсиш ва сўниш каби зиддиятли кўрсаткичлар ижтимоий тизимининг фазаси доирасида амал қилади. Жамиятни тизимли-функционал тарзда ривожланиши унинг ҳаётидаги жараёнларни: этнослараро, синфлараро, қатламлараро муносабатларни барқарор шаклда кечишини таъминлаб, ижтимоий субъектларнинг турли фаолиятини ва унда бошқа анъанавий ролларни амал қилишида сиёсий ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятини таъминлайди. Шу тариқа жамиятда ўз-ўзини бошқариш амал қилиб, доимий ҳолатда амал қилувчи ижтимоий тизим, жорий ҳолатдан галдаги ривожланган ҳолатга ўтади.

Ижтимоий динамиканинг спиралсимонлиги жараёнларда кузатиладиган сифат ўзгаришларни намоён этади. Ижтимоий борлиқда спираллик ижтимоий ўзгаришларни

¹ Carlson A.C. Family Questions: Reflections on the American Social Crisis. N.Y., 1988. – P.23.

нисбатан мустақил эканлигини кўрсатади. Мазкур таъкид фалсафий адабиётларда ривожланишни доимий спиралсимон тарзда кечишини кўрсатган ёки белгилаган таъкидлар билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ижтимоий динамиканинг спиралсимонлиги вужудга келадиган жараёнларнинг генетик боғлиқлигини кўрсатади.

Агарда инсон предметларга субъект-объектли муносабатда бўлса, бунда ўзлигини, ўзига нисбатан ҳурматни сақлаб “Ўзини қадрият сифатида идрок эта олади. Чунки ижтимоий фалсафий жиҳатдан предметлар инсон томонидан яратилади ва уларга мазмун берилади. Айнан шу тамойил инсонни қадрият сифатида ўзини ифодалаши учун муҳим саналади². Агарда оилада муносабатлар маданиятига амал қилинса, бунда “Инсонни эъзозлаш, ҳурмат қилиш” намунасидаги муносабат тарзига амал қилинади. Бу эса оила (оилавий гуруҳ), жамоада ижтимоий муносабатларнинг барқарор кечишини таъминлаш учун амалий мазмун касб этади. Инсоннинг ўз-ўзини англаш масаласини фалсафий жиҳатдан ўрганган Н.Сарджвеладзенинг таъкидлашича, муносабат биологик, маънавий-руҳий ва ижтимоий-маданий мазмунларга эга бўлган кўрсаткичларга эгадир³.

Биологик кўрсаткичларга:

- ўзининг суратига бўлган муносабат;
- ўзининг анатомик хосликларига бўлган муносабат;
- ўзининг биомеханик ва функционал-физиологик иқтидорига бўлган муносабатлар тааллуқлидир.

Маънавий-руҳий кўрсаткичларга:

- ўзининг иқтидори, қадриятларига бўлган муносабат;
- ўзининг ақлий қобилиятларига бўлган муносабат;
- ўзининг ҳиссий хусусиятларига бўлган муносабат;
- ўзининг меҳнати маҳсулига бўлган муносабат;
- ўзига нисбатан қадриятли мазмундаги муносабат каби маданий-руҳий мажмуалар тааллуқлидир.

Ижтимоий-маданий кўрсаткичларга:

- ўзининг ижтимоий мавқийга бўлган муносабати;
- бошқаларни менга ва улар мендан қандай муносабатда бўлишни кутмоқда тарзидаги муносабат;
- маълум ахлоқий маъёрлар ва қадриятларнинг ташувчиси сифатида ўзига бўлган муносабатлар тааллуқлидир.

² Good W. World Revolution and Family Patterns. New York., 1963. – P. 432.

³ Сарджвеладзе Н.И. Личность и ее взаимодействие с социальной средой. – Тбилиси: Мецниереба, 1989. – С.153–169.

Шу сабабли жамият иқтисодий, ҳуқуқий, мафқуравий ва бошқа воситалар ёрдамида оила институтини стимуллаштириши, ижтимоий муносабатларни тартибга келтириши лозим. Мамлакатимизда Маҳалла ва оила вазирлигини ташкил этилганлиги ва унинг асосий вазифаси сифатида “жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқишга тааллуқли бўлган комплекс чоратadbирларни татбиқ этиш”⁴ деб белгиланган.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат доирасида оила масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Оилавий муносабатлар маданиятини эмпирик, тавсифловчи ёндашув, аксиологик ёки фаолиятли ёндашув асосида баҳолаш мумкин. Шунда ўзбек оиласининг динамикасини белгилаш самарали кечади. Чунки оилавий маданият динамик мазмун касб этиб, оилада бажарадиган ролларнинг намунасида, оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муносабат тарзида ўз аксини топади.

Изданишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда эмпирик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот Андижон, Фарғона, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида доимий истиқомат қилувчи 440 нафар оилаларда ўтказилди. Бунинг учун “Ўзбек оиласида оилавий муносабатлар маданиятини эмпирик ўрганиш⁵” муаллифлик сўровномасидан фойдаланилди (1-илова). Олинган натижалар асосида шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, респондентларнинг кўрсатишича, оилавий зиддиятларнинг келиб чиқиши қуйидаги сабабларга боғлиқдир: Ёшларнинг (асосан келин ва киевлар) ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмасликлари (18,5%); қайноналарнинг ўз вазифаларини (келинлик вазифаларини ургата олмаслиги)

– ёшларнинг (асосан келин ва киевлар) ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмасликлари (18,5%);

– қайноналарнинг ўз вазифаларини (келинлик вазифаларини ўргата олмаслиги) бажаришда хатоликларга йўл қўйишлари (16,0%);

– оила ҳаётини бошқаришда келин-куёвларнинг манфаатлари, қизиқишларини инобатга олмаслик (18,0%);

– қудачилик муносабатларида “Биз” ва “Сизлар” каби ижтимоий дилемаларнинг мавжудлиги (12,3%);

– оилавий қадриятларга амал қилмаслик (15,0%);

– келин-куёвлар ҳаётига овсинлар, қайинсингилларнинг ўринсиз аралашуви (10,%);

– оилада фарзанд тарбияси масаласи (10,2%) ва бошқалар.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори 18.02.2020. <http://lex.uz>.

⁵ Социологик сўровнома дастури ва сўровнома, Андижон давлат университети Ижтимоий-иқтисодиёт факультети, М.Ғ.М.А.Х.Т кафедраси 07.11.2018 й муҳокама қилинган ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра оилавий ҳаёт барқарорлигига ёшларнинг, (18,5%), асосан келинларнинг ижтимоий ролини бажара олмаслиги, шу жумладан, ёш кувлар ҳам ўз ролини тўлиқ бажара олмаслиги сабабли оилада зиддиятлар кузатилаётган экан.

Шу сабабли мамлакатимизда “Ҳар бир оила – тадбиркор” ғоясини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда фаол тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, мактабдан бошлаб олий таълим муассасаларида ҳам тадбиркорлик тўғрисида дарслар ўтиш, тўғрақлар ташкил этиш, жумладан, “**Тадбиркорлар академияси**”ни, соҳага қизиқаётган ёшлар учун эса консалтинг марказларини ташкиллаштириш⁶га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда Ж.Б.Давлетовнинг “Ўзбекистонда “Ҳар бир оила – тадбиркор” концепцияси ва унинг инновацион моҳияти” номли тадқиқотидан ҳам иқтибос келтириш мумкин. Тадқиқотчи тадбиркорликнинг функционал хусусиятлари ва креатив белгиларининг қуйидагича классификациясини амалга ошириб:

биринчидан, билим олишга интилиш;

иккинчидан, янгиликка, айниқса, илмий-техник ва технологик янгиликка ўчлик;

учинчидан, меҳнат ва унинг натижаси, сифати учун шахсий масъуллик;

тўртинчидан, шахсий ташаббус ва хусусий мулк, даромад билан иштирок этиш;

бешинчидан, таваккал қилиб даромад (*фойда*) топиш;

олтинчидан, оила аъзоларини, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш, бирлаштириш ва бошқариш;

еттинчидан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари устуворлиги асосида фаолият юритиш, хизмат турларини уюштириш;

саккизинчидан, аҳолини иш билан таъминлашда иштирок этиш ва бу борада молия-банк тизими хизматларидан фойдаланиш;



4-расм. Оилавий барқарорликка таҳдидлар (% ҳисобида)

⁶ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 143.

тўққизинчидан, ҳудуддаги ижтимоий-маданий инфраструктурани шакллантиришда қатнашиш⁷ кабиларни кўрсатиб ўтганки, бунда оила институтининг роли, унинг аъзоларининг иштирок даражаси муҳимлиги асослаб берилган.

Аммо бу масала ёшларнинг ўз-ўзига нисбатан берадиган баҳо билан боғлиқ бўлиши, ўзига баҳо бериш юқори ёки паст бўлиши мумкин. Бу фикр бир оз баҳслидир. Чунки ижтимоий-маданий ҳаёт тарзи ўзига хос таркиблардан иборат бўлиб, айрим хусусиятлар фақатгина жамоавий муносабатларда ифодаланиши мумкин. Шу сабабли М.Холматова оилавий қадриятларга амал қилиш ёки амал қилмаслик билан С.Сафаева бевосита миллий тарбияга амал қилиш билан боғлиқ деб кўрсатиб ўтган⁸. Буни ментал хусусият деб кўрсатсак, мақсадга мувофиқдир. Гарчи ментал хосликни тадқиқ этиш мураккаб бўлса-да,⁹ оила ҳаётида бу хусусият яққол – барча ўзига хосликлари билан (ёпиқ ёки очиқ тарзда) ифодаланади. Шу сабабли оила биринчи навбатда ижтимоий институт ва ижтимоийлашувни таъминловчи маскан тариқасида амал қилади¹⁰.

Қадриятлар фалсафасидан маълумки, улар ўз моҳиятига кўра, бир неча гуруҳга бўлиниб, инсон ҳаёти ва фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилашда муҳим ўринни эгаллайди. Жамиятнинг энг олий маҳсули ва қадрияти бўлмиш инсоннинг қадриятларга муносабати ҳеч қачон бир текис кечган эмас¹¹. Шу сабабли шахсий, миллий қадриятлар тизими такомиллашиб-сайқалланиб, ижтимоий муносабатлар даражасида амал қилиб келган. Улар функцияси жиҳатидан оила (оилавий гуруҳ) жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилган.

Таъкидлаш лозимки, миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб¹², миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Фикримизча, руҳан соғлом кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд, бу эса ҳаёт ва фаолият давомида намоён бўлади ва оиланинг (жамоанинг) маънавий-ахлоқий ҳолатига таъсир кўрсатади. Қадриятлар ижтимоий хусусиятларга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва

⁷ Давлетов Ж.Б. Ўзбекистонда «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳияти // Фалсафа фанлари бўйича фалс... д-ри (PhD) дис. автореферати. – Самарқанд, 2020. – Б. 13.

⁸ Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари // Фалс.ф.д. дис. – Тошкент: Тошкент Давлат аграр университети. – Тошкент, 1998. – Б. 270.; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.32.; Сафаева С. Аёллар масаласи: умум ижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 74 б.

⁹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур, 2002. № 2–сон. – Б. 10–17.; Самаров Р. Оилани этнопсихологик ўрганишга яна бир услубий ёндашиш // Халқ таълими, 1998. № 1–сон. – Б. 57–59.

¹⁰ Mac Donald K.B. Socialization in the context of the family: A sociobiological perspective // Sociobiological perspective on human development. New York, 1988. – P. 320-340.

¹¹ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 78.

¹² Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.476; Назаров Қ.Қадрият // Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 372-373; Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – С. 103; Эрназаров Р.У. Диалектика национальных и общечеловеческих ценностей // Автореф... дис. канд. филос. наук. – Тошкент: 1994. – С. 18.

ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади¹³. Шарқда мазкур ҳолат ўз тарихига эга бўлиб, Ф.Саифназарованинг ёзишича, қадимги шарқ фалсафасида уч мезон, уч тушунча муқаддас саналган. Булар ахлоқ, оила ва давлатдир¹⁴. Муқаддас саналган – қадрият ҳисобланган уч тушунча бу кунга қадар қадриятли-фаолиятли мазмунга эга. Аҳмад Дониш “Наводир ул-вақоеъ”, “Никоҳ одоблари баёни, уйланиш шартлари, қайнона ва келиннинг хусумати” ҳақида батафсил баён қилган. Мутафаккирнинг фикрича, инсон муайян ёшга етгандан кейин унда оила қуриш, уйланишга зарурат пайдо бўлади. Албатта, бу даврда инсон оила, оилавий бахт, эр-хотинлик, фарзандлик, ота-оналик бурчлари ҳақида тушунчага эга бўлади¹⁵.

Оила ижтимоий мазмунига кўра, одатда, уч хил ўзаро алоқадаги ижтимоий гуруҳдан ташкил топади. Асосийси никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин ўртасида яқин муносабатларнинг қарор топиши. Пировардида фарзандларнинг пайдо бўлиши¹⁶. Шарқ оиласи эволюциясига эътибор қаратганда унинг ўзига хос тадрижий босқичлари, маънавий дунёси, ўзаро муносабатлар қай даражада бўлганлигини кўриш мумкин. Таъкидлашларича, шарқда байналмилал никоҳлар ўзига хос тарих ва фалсафага эгадир. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, ҳудудий жиҳатдан чегарадош миллат ва элатлар билан тинч-тотув яшаш мақсадида қуда-андачилик йўлга қўйилган эди;

иккинчидан, турли миллат ва элатларнинг тарихий ривожини бир тарзда ривожланган ва камол топганлиги учун ўзаро қиз бериб, қиз олиш қарор топган эди.

Шарқда қиз бола шахсига муносабат ўзгача бўлганлиги туфайли ҳамкорликни, ҳудудий барқарорликни таъминлаш йўлида ҳам қариндошлик риштасини таъминловчи муҳим “восита”лардан бири бўлиб хизмат қилган. Намуна сифатида Александр Македонскийнинг Сўғдиёна ҳукмдорларидан бирининг қизи Рухшонага уйланганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин¹⁷. Ўзаро қиз олиб, қиз бериш ҳозирда ҳам кузатилмоқдаки, бундай ҳолат халқаро муносабатлар доирасида алоҳида ижобий омил ҳисобланади, бунда бошқа миллат вакиллари ҳам қиз бериш ёки улардан қиз олишгача олиб келган. Бу масалани ўз тарихи мавжуд бўлиб, баъзи муаллифлар¹⁸ байналмилал никоҳлар масаласини Ўрта Осиё ва Қозоғистон аҳолиси мисолида тадқиқ этиб, бундай никоҳлар мазкур ўлкада фақат XIX асрнинг ўрталаридан пайдо бўла бошлаган эди деб уқтиришади. Уларнинг фикрича, бундай ҳолат Марказий Осиё ҳудудининг Россия томонидан забт этилиши билан боғлиқдир. Аммо тарихий далиллар бу фикрнинг асосли эмаслиги, байналмилал никоҳларнинг илдизи анча узоқ эканлигини кўрсатади. Мисол тариқасида, “Сўғд никоҳ шартномаси”ни кўрсатиб ўтиш

¹³ Туленова Г. Миллий қадриятларнинг тарбиявий аҳамияти // Халқ таълими, 1997. № 5-сон. – С. 17-23.

¹⁴ Саифназарова Ф. Оила жамият таянчи // Қонун 2004. 9 (105). – С.17-18.

¹⁵ Аҳмад Дониш «Наводир ул-вақоеъ». – Душанбе: Дониш, 1989. – Б. 339.

¹⁶ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 85.

¹⁷ Мерников А.Г. Всемирная история войн. – Минск: ООО Харвест, 2004. – С. 37.

¹⁸ Борзых Н.П. Распространенность межнациональнўх браков в республиках Средней Азии и Казахстане в 1930 годах // Советская этнография. 1970. № 4. – С. 87-96.

мумкин¹⁹. Биргина Андижон вилоятида ўзбек-тотор, ўзбек-рус, ўзбек-қирғиз, ўзбек-тожик, ўзбек-араб, ўзбек-уйғур каби байналмилал оилаларнинг сони жуда кўп. Қудандачилик риштаси, маданиятларни бойитувчи ва такомиллаштирувчи ҳамда трансформация жараёнида салбий таъсирлардан сақловчи сифатида амал қилиб келмоқда.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 592 б.
2. Агзамхўжаева С. Оила маънавияти-миллий тараққиётимиз омили “Шарқ Аёли: кеча ва бугун” / Илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент. 2012. – Б. 118-120.
3. Алимова Д. Оила пойдевори ҳақида рисола (асарнинг иккинчи нашрига кириш сўзи). Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 4
4. Аралбоева Д.К. Шарқ мутафаккирларнинг оила-никоҳ ҳақидаги қарашлари // Замонавий таълим / Современное образование 2015. – Б.66.

INNOVATIVE
ACADEMY

¹⁹ Самаров Р. Авесто: аёл ва оила масаласи // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. 8-сон. – Б. 58-60.